



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

КАТАРАЛ ГИНГИВИТЛАРДА ЯЛЛИГЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.



Бабаджанов Рахматулла Анварбекович.

Email: babadjonovramatullo@gmail.com

ORCID 0009-0004-3479-9671

Юлдашев Бахрам Сабиржанович

Email: byuldashev725@gmail.com

ORCID 0009-0006-6954-49-48

Бабаджанов Анварбек Рахматович.

Email: babajanovanvarbek0@gmail.com

ORCID 0009-0004-2741-864X

Хоразм вилояти Маъмун унверситети “стоматология” кафедраси ассистенти
Хоразм вилояти Маъмун унверситети Тиббиёт ишлари бўйича проректори
Ургенч давлат тиббиёти институти “ умумий хирургия ” кафедраси доценти т.ф.н.

Аннотация: пародонт тўқималари касалликлари стоматологиядаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Аҳолининг 97,9 % қисми пародонт касалликлари билан оғрийди. ЖССТ маълумотларига кўра, пародонтнинг яллигланиш касалликлари тишларни йўқотиш сабабларидан бири бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Тақдим қилинаётган мақолада Урганч давлат тиббиёт институти стоматология факултетининг 350 нафар талабаси ва хусусий стоматология клиникасига мурожат қилган 20 нафар бемор танлаб олинди уларнинг ичидан қатарал гингивит билан касалланган 120 нафар бемор ва 40 нафар соғлом (назорат грухи учун) талаба ажратиб олинди. Беморлар иккита гуруҳга ажратилди. Текширилувчиларнинг барча гуруҳларида оғиз бўшлиғидаги макроскопик кўринишни баҳолаш мақсадида кўрик ўтказилди ва макроскопик жихатдан қатарал гингивитларнинг кечиши бўйича турларига хос: ўткир ва сурункали, ҳамда морфологик кўринишларига хос макроскопик ўзгаришларга баҳо берилди

Калит сўзлар: қатарал гингивит, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, микроб флораси, пародонт, гингивит, оғиз бўшлиғининг индивидуал гигиенаси.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ ПРИ КАТАРАЛЬНЫХ ГИНГИВИТАХ.

Аннотация: заболевания тканей пародонта – одна из актуальных проблем в стоматологии. Болезнями пародонта страдает 97,9 % населения. По данным ВОЗ,



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

воспалительные заболевания пародонта являются одной из причин потери зубов и ухудшают качество жизни пациентов.

В представляемом исследовании были отобраны 350 студентов стоматологического факультета Ургенчского государственного медицинского института и 20 пациентов, обратившихся в частную стоматологическую клинику. Из их числа были выделены 120 пациентов с катаральным гингивитом и 40 здоровых студентов (в качестве контрольной группы).

Пациенты были разделены на две группы. Во всех группах обследуемых с целью оценки макроскопической картины полости рта было проведено клиническое обследование. В ходе исследования была дана оценка макроскопическим изменениям, характерным для различных вариантов течения катарального гингивита — острого и хронического, а также особенностям его морфологического проявления.

Ключевые слова: Катаральный гингивит, слизистая оболочка полости рта, микробная флора, пародонт, гингивит, индивидуальная гигиена полости рта.

MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF INFLAMMATORY PROCESSES IN CATARRHAL GINGIVITIS.

Abstract: Diseases of periodontal tissues represent one of the most pressing problems in modern dentistry. According to epidemiological data, 97.9% of the population suffers from periodontal diseases. According to the World Health Organization (WHO), inflammatory periodontal diseases are among the leading causes of tooth loss and significantly reduce patients' quality of life.

In the present study, 350 students of the Faculty of Dentistry at Urgench State Medical Institute and 20 patients who sought treatment at a private dental clinic were examined. Among them, 120 patients with catarrhal gingivitis and 40 healthy students were selected as the control group.

The patients were divided into two groups. In all examined groups, a clinical examination was conducted to assess the macroscopic condition of the oral cavity. The study evaluated macroscopic changes characteristic of different clinical courses of catarrhal gingivitis—acute and chronic—as well as the features of its morphological manifestations.

Keywords: catarrhal gingivitis, oral mucosa, microbial flora, periodontium, gingivitis, individual oral hygiene.

Мавзунинг долзарблиги: Халқаро стоматология федерацияси маълумотларига кўра, периодонтал касалликларнинг оғир тури бутун дунёда умумий касалланиш даражасида олтинчи ўринни эгаллайди [9].

Ушбу касалликларнинг тез суръатларда кенгайиб бориши катталар орасида тишларнинг қисман ёки тўлиқ йўқолишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис, сурункали гингивитни периодонтал тўқималардаги яллиғланиш жараёнларининг дастлабки босқичи сифатида ўз вақтида ташхислаш ва даволаш муаммоси муҳим тиббий ва ижтимоий аҳамият касб этади [5, 6, 10].

Периодонтал тўқималарда яллиғланишнинг ривожланиши сурункали гингивит патогенезини белгилайдиган асосий механизмлардан бири бўлган микроциркуляция бузилишлари билан чамбарчас боғлиқ [6,9]. Микроциркуляция оқими мураккаб тизим бўлиб, тўқималарда етарли кислород алмашинувини таъминлайди ва эндотелиал хужайралар фаолиятига боғлиқ бўлиб, улар фаол кислород шакллари (ФКШ) ҳосил бўлишини бошқаради. ФКШнинг яллиғланиш пайтидаги ҳаддан ташқари кўпайиши хужайраларга зарар етказиб, митохондрия дисфункцияга олиб келади; бу эса эркин радикаллар ишлаб чиқарилишининг янада кучайиши ва хужайравий нафас олишнинг сусайиши билан намоён



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

бўлади [8]. Бундай ўзгаришлар сурункали гингивит шароитида кислород етказиб берилишининг камайиши ва микроциркуляция бузилишлари туфайли тўқималарда иккиламчи гипоксия ривожланишига сабаб бўлади.

Ушбу патологик ўзгаришларни аниқлаш учун юқори ахборотли диагностик усуллардан фойдаланиш зарур. Бундай усулларнинг диагностика ва даволаш тизимига киритилиши касалликнинг клиник белгилар пайдо бўлишидан аввал микроциркуляция бузилишларини барвақт аниқлаш ва тuzатиш имконини беради. Ҳозирги кунда бу мақсадда маҳаллий олимлар томонидан витал компьютер капилляроскопияси, лазер доплер флоуметрияси, оптик тўқима оксиметрияси ва вакуумли текширув каби усулларни тавсия этмоқдалар. Даволаш жараёнида улардан фойдаланиш даволаш самарадор-лигини баҳолаш зарурати билан изоҳланади [1, 2, 4, 7].

Периодонтал яллиғланиш касалликлари патогенезини ўрганишга қара-тилган бир қатор тадқиқотлар сурункали гингивитда микроциркуляция томир-ларидаги тузилмавий ва функционал ўзгаришлар, шунингдек гипоксия ҳола-тини касалликнинг клиник белгилар пайдо бўлишидан аввал бузилишлар сифатида аниқлаш имконини берди [3].

Ишнинг мақсади: қатарал гингивит билан касалланган беморлар милкидаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш.

Материал ва усуллар: Олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун клиник ва морфофункционал текширувлар амалга оширилди, бунинг учун Урганч давлат тиббиёт институти стоматология факултетининг 350 нафар талабаси ва хусусий стоматология клиникасига мурожат қилган 20 нафар бемор танлаб олинди (уларнинг розилиги олинган ҳолда амалга оширилди) уларнинг ичидан қатарал гингивит билан касалланган 120 нафар бемор ва 40 нафар соғлом (назорат грухи учун) талаба ажратиб олинди ва биринчи навбатда улар орасида сўровнома ўтказилди, сўровнома маълумотлари таҳлил қилингандан кейин клиник текширувлар ўтказилиб, улардан анамнез йиғилиб, шикоятлари, касаллик муддатлари ўрганилди, бошдан кечирилган ва йўлдош касалликлар аниқланди. Мурожат қилган беморларнинг 245 нафари эркаклар (66,2%) ва 125 нафари аёлларни ташкил қилиб (33,8%), улардан 249 нафари (67,3%) 18-22 ёш гуруҳидагилар (243 нафар эркаклар 65,6%, 123 нафар аёллар 33,3%), 23-34 ёш оралиғидаги гуруҳда фақатгина 2 нафар эркак ва 2 нафар аёл борлиги аниқланди (1,1 %). Ёш диапозони 18 дан 35 ёшгача бўлган интервални эгаллаб ўртача $19,5 \pm 1,31$ ни ташкил қилди.

Текширилувчиларнинг барча гуруҳларида оғиз бўшлиғидаги макроскопик кўринишни баҳолаш мақсадида кўрик ўтказилди ва макроскопик жихатдан қатарал гингивитларнинг кечиши бўйича турларига хос: ўткир ва сурункали, ҳамда морфологик кўринишларига хос макроскопик ўзгаришларга баҳо берилди.

1-гуруҳдаги талабаларнинг 71-нафарида (72%) макроскопик жихатдан милкларнинг асосан милк қирғоқлари ва тиш оралари сўрғичлари тўлақонлиги, бироз шишган, кўринишини сақлаган ҳолда бироз катталашган, аммо тўқималар ўсиши кузатилмаган ҳолда, қон кетиш ҳолатлари фақат тиш ювиш жараёнида ёки милкларни таъсирлантиришда кузатилади. Яллиғланган милкларга яқин жойларда тишлардаги қарашлар аниқланади. Қолган 15 нафар текширилувчида (13 %) макроскопик ўзгаришлар кўриниши бироз оғирроқ кўринишга эга бўлиб, қонаш ҳолатлари таъсирлантирилмаган ҳолатларда ҳам юзага келиши кузатилди.

2-гуруҳдаги 34 (28%) нафар текширилувчининг барчасида қатарал гингивитларнинг ўртача оғирликдаги кўриниши: милклар қирғоғи ва тишлар оралиғи сўрғичлари тўқ қизил рангда бўлиб, гиперемия милклар юзасининг катта қисмини эгаллаган. Шишиш ҳолати кўзга кўринарли даражада кучлироқ намоён бўлган, милк қирғоқлари қалинлашган, қонаш нафақат тишларни тозалаганда ёки таъсирлантирилганда, баъзан спонтан тарзда ривожланиши аниқланди. Милк контурлари юпқалашиб қирғоқлари шишган, думалоқлашган, тишлар оралиғи сўрғичлари катталашиб, ўзининг ўткирлигини йўқотиб, ёйиқроқ кўринишга эга




бўлган. Тишларда юмшоқ карашдан тортиб, тошлар хосил бўлишигагача ўзгаришлар кузатилди, юқоридаги кучли ўзгаришлар юзага келганлигига қарамасдан эрозия ва некротик ўзгаришлар кузатилмади.

3 - назорат гуруҳидаги текширилуқвчилар кўздан кечирилганда юқорида қайд қилинган макроскопик ўзгаришлар аниқланмади ва амалий соғлом инсонлар оғиз бўшлиғи ҳолати қайд қилинди.


Катарал гингивитларда юзага келиши мумкин морфологик ўзгариш-ларни ўрганиш мақсадида катарал гингивит билан оғриган беморларда имплант ўрнатиш амалиётини ўтказиш бўйича қилинган хирургик амалиёт даврида олинган тўқима бўлакчалари гистологик текширув учун нейтрал формалинда 48 соатга фиксация қилинди ва улардан парафин бўлакчалари қилиниб, гистологик препаратлар тайёрланди, ҳамда ёруғлик микроскопи остида ўрганилди. Гистологик препаратлар гематоксиллин-эозин бўёғи билан бўялди.

Олинган натижалар: Катарал гингивитларнинг ўткир ва сурункали турлари кечишидаги микроскопик ўзгаришлар бир-биридан ўзининг кўриниш-лари билан фарқланади ва қуйидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Милк эпителийси бироз қалинлашган (акантоз), аммо сурункали катарал гингивит-лардагидек қалинлашмаган, шиллик қават гиперемияси, эпителийнинг барьер функцияси бузилиши, ўтказувчанлик ортиши натижасидаги яллиғланиш инфильтрацияси юзага келиши, ҳамда баъзи ҳолатларда эпителийнинг кўчиб шикастланиши кузатилиб, тўқимада экссудат тўпланиши аниқланди.

Экссудатнинг асосий компоненти милк эпителийси ва стромасига кириб борган нейтрофил лейкоцитлардан ташкил топиб улар томонидан ажратила-диган ферментлар таъсири натижасида тўқималар шикастланишига сабаб бўлган, шунингдек инфильтрат таркибида сурункали катарал гингивитларга қараганда анча кам миқдордаги лимфоцитлар ва плазматик хужайралар ҳам кузатилди. Эпителий ости қаватидаги қон капилярлари кенгайиши яллиғ-ланиш даражасини белгилаб, ўтказувчанлик ортиши натижасида микро-абс-цесслар пайдо бўлишига олиб келган ҳолатлар аниқланди. Бириктирувчи тўқима элементлари орасида, хужайралараро бўшлиқларда шиш тўпланиши, фибробластлар фаоллигининг ортиши, коллаген толалар парчаланиши нати-жасида қисман бириктирувчи тўқима толаларининг фрагментация ҳолатлари аниқланди.




Расм 2. Катарал гингивит микроскопик кўриниши. Ясси эпителий ости қаватида яллиғланиш инфильтрацияси, лимфоцитлар ва плазма хужайралари. Гематоксиллин – эозинда бўялган.
(НЛСД -307 Б 10х/0,25)




Расм 3. Катарал гингивит микроскопик кўриниши. Ясси эпителий ва ясси эпителий ости қаватида яллиғланиш инфилтрацияси, эритроцитлар диапедези. Гемотоксиллин – эозинда бўялган. (НЛСД -307 Б 10x/0,25)

Фибробластлар микдорининг ортиши балки шикастланган тўқимада регенерация жараёнларининг тезлаштириш учун ҳам хизмат қилиши мумкин (расм-2).

Милк тўқимасидаги шишнинг пайдо бўлиши бироз қалинлашиш ва клиник жихатдан таъсирланганди оғриқ юзага келиш жараёнини шакллантиради (расм 3)




Расм 4. Катарал гингивит микроскопик кўриниши. а - юза қопловчи эпителий акантози. б - яллиғланиш инфилтрацияси. с - томирлар кескин тўлақонлиги. Гемотоксиллин – эозинда бўялган. (НЛСД -307 Б 10x/0,25)



Расм 5. Катарал гингивит микроскопик кўриниши. а - юза қошловчи эпителий акантози. б - эпителий ости юза бириктирувчи тўқима, шиши билан. Эпителий хужайраларини энгил дисплазияси билан. Гемотоксилин – эозинда бўялган. (НЛСД -307 Б 10х/0,25)

Сурункали катарал гингивитларда тиш оралари сўрғичлари қисмида ясси хужайрали кўп қаватли эпителий гиперплазияси кузатилиб, акантоз юзага келади, энгил шаклларида мугузланиш қисмида баъзан мугузланиш холатининг бироз пасайишини кўриш мумкин, шиш ва хужайралараро инфильтрация юзага келиши ҳисобига кенгайиш аниқланади, ост қаватдаги бириктирувчи тўқимада кам сонли лимфоцитлар ва плазматик хужайралар аниқланади, оғир шакллардаги гингивитлардан фарқли ўлароқ бу ердаги инфилтрат чегараланган кўринишга эга бўлади. Шиш ривожланиши строманинг толалари очилишига олиб келади. Тўқимада яллиғланишга жавобан кучли ривожланган васкулиризация жараёни кузатилади (расм-4,5).

Эпителиал қаватда кўп қаватли ясси мугузланувчи эпителий кўришиб, остидаги бириктирувчи тўқимага ўсиб қирувчи эпителиал тароқчалар (rete pegs), кузатилади, мугузланган хужайралар эпителий юзасида зич структура-ларни ташкил қилади ва қуйи бириктирувчи тўқимага чуқурлашади. Эпите-лийнинг юзасидаги қаттиқлашган хужайралар зич тузилишга эга. (расм-6).



Расм 6. Катарал гингивит микроскопик кўриниши. эпителий базал кавати ичкарига ботиб ўсиб кириши. Интерэпителил яллиғланиш инфильтрацияси, плазматик ва лимфоцит хужайралари. Гемотоксиллин – эозинда бўялган. (НЛСД -307 Б 10x/0,25)

Шундай қилиб тадқиқот давомида ўтказилган марфологик текширувлар, катарал гингивит билан касалланган беморларнинг эрта ташхислаш ва туғри даво чораларини танлашда самарали ва тезкор усул ҳисобланади. Бунинг натижасида катарал гингивит касалликларининг асоратларини олдини олиш самарадорлиги оширилади.

Хулосалар:

1. Ўсмирларда катарал гингивит патогенезида морфо- функционал ўзгаришлар пародонт тўқималаридаги трофик бузилишларни аниқлашда муҳим диагностик белги бўлиб хизмат қилади. Ушбу ўзгаришлар патологик жараённинг оғирлик даражаси ва кечишини аниқлаш имконини беради.

2. Цитоморфометрия маълумотларига кўра, ўсмирларда катарал гингивит пайтида аниқланган ўзгаришларни меърий ҳолат билан таққосланганда милк тўқималарида деструкция индекси (ДИ) ва яллиғланиш-деструктив индекси-нинг (ЯДИ) сезиларли ошиши кузатилади, бу эса яллиғланиш жараёни ривож-ланаётганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иорданишвили, А. К. Вакуумная проба Кулаженко – архаизм или метод объективизации функционального состояния тканей пародонта (патофизиологический аспект проблемы) / А. К. Иорданишвили, П. В. Мороз, И. И. Бобынцев // Человек и его здоровье. – 2021. – № 24 (4). – С. 44-51.

2. Кречина, Е. К. Современные достижения функциональной диагностики в стоматологии / Е. К. Кречина, И. Е. Гусева, И. В. Погабало [и др.] // Стоматология. – 2022. – № 101 (4). – С. 30–33.

3. Новицкая, И. К. Гипоксия в патогенезе пародонтита: обзор литературы / И. К. Новицкая, М. Б. Друм, Н. В. Горбатовская // Вестник стоматологии. – 2017. – № 1 (98). – С. 69-75.

4. Antonacci A. Orofacial Manifestation of Systemic Sclerosis: A CrossSectional Study and Future Prospects of Oral Capillaroscopy / A. Antonacci [et al.] // Diagnostics. – 2024. – Vol. 14, № 4. – P. 437.

5. Chapple, I. Time to take gum disease seriously / I. Chapple // British Dental Journal. –



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

2022. – Vol. 232. – P. 360-361

6. Rathee M, Jain P. Gingivitis. – Text: electronic // StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2024 Jan. 2023 Mar 27. – URL: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK557422/> (дата обращения: 02.09.2023)

7. Townsend, D. Identification of venular capillary remodelling: a possible link to the development of periodontitis / D. Townsend // Journal of periodontal & implant science. – 2022. – Vol. 52, № 11. – P. 65-76

8. Wang, G. Microcirculation and Mitochondria: The Critical Unit / G. Wang [et al.] // Journal of Clinical Medicine. – 2023. – Vol. 12, № 20. – P. 1-15.

9. World Dental Federation F. D. I. Global periodontal health: Adopted by the FDI General Assembly: 7 September 2018, Buenos Aires, Argentina / World Dental` Federation, F. D. I // International dental journal. – Vol. 69, №1. – P. 13–14.

10. Yeung, C. Book review: Oral health surveys: Basic methods. – 5th edition / C. Yeung // British Dental Journal. – 2014. – Vol. 217. – P. 333.

